



Аҳоли хонадонларида қиши мавсумида наслли қўй ва эчкиларни парваришлаш.

Қўй ва эчкилар яйлов ҳайвони ҳисобланади. Уларнинг озуқа ҳазм қилиш тизими бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонлариникидан кескин фарқ қилади. Қўйлар ва эчкилар озуқага кам талабчан бўлади ва озуқа танламайди. Қўй ва эчкилар учун қиши фаслида қўйидаги озуқалар ишлатилади: ҳар хил ўтлар пичани, силос, илдиз мевали экинлар ҳамда саноатдан олинадиган омихта емлар, завод чиқиндилари, антибиотиклар ва витаминалар. Қўй ва эчкиларни озиқлантиришда уларнинг тирик вазни, ёши, жинси, маҳсулот бериши, йўналиши, физиологик ҳолати, ҳамда йилнинг мавсуми инобатга олиниб

маҳсус меъёrlар белгиланиши лозим.



Наслли қўчкор ва такаларни қочириш мавсумида озиқлантиришга жуда катта эътибор бериш муҳимдир. Уларга кунига ўртacha 2,0 кг ҳар

хил ўтлар пичани, 0,9 кг омихта ем, 0,3 кг пахта шроти, 1,0 кг сабзи ва 2 дона товуқ тухуми бериш тавсия этилади. Наслли бўғоз совлиқларни ҳомиладорлигининг сўнгги 1,5-2,0 ойлиги бу ҳомиланинг она қорнида энг тез етиладиган, қўзи туғилгандаги тирик вазнининг 70 фоизини таъминлайдиган даврdir. Яхши озуқа эгиз туғадиган совлиқлар учун муҳимдир. Ҳомиладорликнинг сўнгги даврда 50-60 кг тирик вазнли она қўйга бир кунда 1,0 кг сифатли пичан ва 1 кг аралаш озуқалар берилади. Совлиқлар туққандан кейин кейин эса 3 кг ҳар хил ўтлар пичани, 0,4 кг арпа ёрмаси, 0,4 кг маккажўхори ёрмаси ва 0,15 кг ош тузи берилади.

Қўй ва эчкиларни саломатлигини асрарда касаллик қўзғатадиган иллат гўнг ва сийдик билан ифлосланган қўйхоналарни иложи бўлса тез-тез тозалаш керак. Қўйхона деворларини, пол ва шифтни оҳак билан дезинфекция қилиниши шарт. Қўй ва эчкиларни ўз вақтида касалликларни олдини олиш учун эмлаб туриш лозим.





Мақола мұаллифи

Шаюсупов Бобир Баходирович

Кишилек хұжалиғи фанлари бүйічә фалсафа доктори (PhD)

Фермерлар мактаби Тошкент ҳудудий марказы

“Чорвачилик” модули амалиёт үқитувлчиси